
ГЕРМАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ЁЗЁВОНГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРЯПТИЛАР

Ёзёвон туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов қуёшдан экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш билан шуғуланувчи германиялик ишбилармон доира вакилларини қабул қилганлиги ҳақида аввал хабар бергандик.

Туман ҳоқимлигида ўтказилган учрашувда Business administration mechanical engineering environmental protection, Mechanical engineering project managment компаниялари раҳбарлари Харинг Фред, Хейл Олаф, мутахассис Эким Корапчи ўғли қатнашишди.

Туман ҳоқими олмониялик ишбилармонларга Ёзёвон туманида лойиҳа режалаштираётганликлари ва қизиқиш билдирганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Меҳмонларга туман табиий шароити--қум барханлари, сув омбори, А373-халқаро йўл ҳақида маълумотлар берди. Ҳоқим электр энергиясидаги узилиш ва етишмовчилик бўлаётган айни дамда экологик яшил энергия зарурлигига эътибор қаратди.

Меҳмонлар самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, ўз имкониятлари ҳақида гапириб бердилар. Бир гектар ерга ўрнатилган қуёш батареясидадан бир мегабайт электр энергияси олиш, 10 ва ундан катта майдонда ҳам яратиш имкониятларини айтишди. Туман ҳоқими Д. Джалилов А373- йўли бўйидан, Тошҳовуз-2 кичик саноат зонасидаги беш гектарли майдонлар таклиф қилди. Германиялик ишбилармонлар Ёзёвон тумани бош қурилиш режаси билан ҳам танишдилар.

Қабулда туман ҳоқими биринчи ўринбосари Акрамжон Эралиев, инвестиция, кадастр бўйича мутахассислар қатнашдилар.

2024-05-02 09:19:04